Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 91 (7. 180) ◎ 1990 йил 21 апрель, шанба ◎ Баҳоси 3 тийин

22 АПРЕЛДА ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУНГА 120 ЙИЛ ТЎЛАДИ

Доҳий юбилейига бағишлаб

Қайта қуриш бизга Октябрь йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинни тағин ҳам яқинлаштирди. Биз ўзгартишларнинг қандай бораётганлигини Ленининг чуқур фикрлари билан текширмоқдамиз. Ленининг ўлмас асарлари бизни ютуқларни ҳам, камчиликларни ҳам холис баҳолашга, инқилобни янада давом эттириш учун зарур сабоқ чиқариб олишга ўргатади. «Ҳозирги пайт» бизни буюк мутафаккир ва инсоннинг асарлари ва маслаҳатларига қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур этмоқда.

20 апрель куни Москвада ССР Иттифоқининг Большой театрида В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу ерда пойтахт ва Москва вилояти меҳнат коллективларининг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намоянда лари, халқ депутатлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучлари жангчилари, Ленин партияси ветеранлари тўпландилар. Чет эллик дипломатлар, хорижий меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

Тантанали йиғилишда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, Ю. Д. Масликов, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Е. М. Примаков, Б. К. Пуго, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов**, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари ва палаталарининг раислари, СССР Федерация кенгашининг ва Президентлик кенгашининг аъзолари, СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети комитетларининг ҳамда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети комиссияларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Тантанали йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг аъзоси **Ю. А. Прокофьев** очди.

Совет Иттифоқи гимни янгради.

ССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари **М. С. Горбачев**нинг «Ленин ҳақида сўзи» зўр эътибор билан тингланди. (У бугунги тонгги рўзномаларда эълон қилинган).

Тантанали йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ билан «Байналмилал»ни куйлайдилар.

Сўнгра катта байрам концерти бўлди.

(ТАСС).



Ленинга мурожаат этиб

Тошкентда тантанали йиғилиши

Совет халқи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 120 йиллигини нишонламоқда. Социализм ҳақидаги, жамиятимизни янгилаш йўллари ҳақидаги замонавий тасаввурларнинг асосий манбаларидан бири Ленининг ниҳоятда бой ижодий меросида жамулжам бўлган. Пролетариат доҳийси Октябрь революциясидан сўнг ўтган атиги бир неча йил ичида яратган асарларида унинг тафаккури ўз аҳамияти жиҳатдан жуда катта — анъанавий марксистик тасаввурлардан социализмнинг характери, табиати ва бутун қиёфасини мушоҳада этишда жамиятни инқилобий янгилаш тўғрисидаги тасаввурларгача бўлган йўлни босиб ўтди. Ленин ғоялари бугунги кунда ҳам долзарбдир.

20 апрель куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. А. Навоий номли театрда партия ва уруш ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда қатнашган кишилар, зиёлиларнинг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округининг жангчилари тўпландилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов доклад қилди.

Йиғилишда Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида катта ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги таъкидланди. Марксизм-ленинизм асосчилари таърифлаган социализм идеалларининг чуқур илдизлари бор, бу идеаллар олдий меҳнаткаш инсоннинг яхши турмуш ва ижтимоий адолат хусусидаги орзу ўйларини ифодалайди.

Иқтисодиётсиз сиёсат йўқ — Владимир Ильичнинг бу фикри бугунги кунда ҳам адолатли тарзда янграмоқда. В. И. Ленин социализмда меҳнаткашларнинг иқтисодий фаоллигини ривожлантириш масалаларига жуда катта аҳамият берган. Революция доҳийси ўз асарларида кооперацияни турли шаклларда ривожлантиришга катта эътибор берган ва унинг ниҳоятда катта имкониятларини таъкидлаган, мулк шаклларининг кўп бўлиши, уларнинг ўзаро мусобақа қилишлари мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида гапирган. Айни вақтда у иқтисодий усулларнинг маъмурий усуллардан афзаллигини чуқур тушунган. У ишлаб чиқариш раҳбарлари олдига катта вазифалар қўйган. Бу — меҳнатни илмий ташкил этиш ва ҳўжалик ҳисобини жорий қилиш, марказлаштиришни жойлардаги ташаббус билан уйғунлаштириш, шахсий манфаатдорликдир. Владимир Ильичнинг фикрича, булар ишлаб чиқаришни юксалтириши керак. У тижорат муносабатлари ва савдога совет хўжалик ҳодимларининг асосий вазифаларидан бири сифатида қараган.

Бугун республикамизда инвестиция сиёсатини, ишлаб чиқариш структураси ва маданиятини ўзгартириш, халқ хўжалигини ривожлантиришда оқилона устунликларни белгилаш, иқтисодиётни аҳоли эҳтиёжига буриб юборишнинг қадрсизланиши тўхтатилгани йўқ, аграр секторда яхшиланиш сари сезиларли ўзгаришларга эришилмади. Юзага келган вазият — социализмнинг ленинча принципларидан чекиниш натижасидир ва ҳозир мамлакатни чуқур танглиқдан олиб чиқиш, халқ хўжалиги комплекси барча бўғинларини мустаҳкамлаш, республикалар суверенитетини аниқ-равшан мазмун билан бойитиш, ҳар биримизнинг ҳаётимизни бахтлироқ қилиш учун имкони бор ҳамма ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда социализмнинг ленинча концепцияси миллий масалани ҳал этишдан ва маданий революцияни амалга оширишдан ажралмаслиги таъкидланди. Владимир Ильич миллий масала ишчилар масаласининг бир қисми эканлигини таъкидлаган эди, шу боисдан синфий кураш ва синфий бирдамликнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммоларини ҳал этиш миллий масаланинг моҳиятини олдиндан белгилаб беради.

Бугун миллий маданиятни тиклаш учун кўп иш қилинмоқда. Маданият Ленин тушунчасида чинакам кенг қамровли, чуқур маънавий ва инсоний ҳодисадир. Ўтмишдаги ўсиндаги кўп масалалар ҳал этилмаяпти, нархнинг қимматлашиши ва пул сабатининг барча жиҳатларини қамраб олади: энг оддий ахлоқ нормаларига риоя этиш ҳамда табиатга, тарих ва маданият ёдгорликларига авайлаб-асраб муносабатда бўлишдан тортиб, сиёсий маданиятни, меҳнат ва турмушни ташкил этишнинг илғор шаклларини, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини эгаллаб олишни ўз ичига олади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков иштирок этдилар.

* * *

Ўзбекистон санъат усталари концерт кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

Рўзноманинг шу сонига суратли репортаж

Чин дилдан, садоқат билан

ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 120 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА БУГУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН ШАНБАЛИКНИ ҲАҚИҚИЙ МЕҲНАТ БАЙРАМИГА АЙЛАНТИРИБ ЮБОРДИЛАР

◎ ТУНИ билан ёққан ёмғир эрталаб тўхтади. Катта кўчада одамлар гавжум, ғира-шира улар қаёққадир ошиқишарди. Кун хиёл ёришганда улар Октябрь инқилоби номидаги тепловоз ремонти заводига кириб келишди. Бу пайт дарвоза очилган, ёқимли музика янграган, дарвоза олди супуриб-сидирилган, унга файз кирган эди. Дарвозадан кираётган ҳар бир кишининг кўкрагига бу ерда саф тортиб турган қизлар рамзий қизил белгилар тақиб қўйишга улгуришарди. Бу манзара кишини маҳлиё қиларди.

БУГУН, 21 апрель куни эрта тонгда соат роппароса 7 яримда одамлар корхона ҳовлисида В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал пойига гулчамбарлар қўя бошладилар. Бу доҳиймиз таваллудининг 120 йиллигига бўлган ишчи-хизматчиларнинг самимий ҳурмат-эътибор ва эҳтиромлари эди. Ҳар бир киши унга бўлган садоқатини изҳор этишга ошиқарди. Гўё салкам икки минг кишилик омма ўртасида доҳиймиз башорат қилаётгандек туюларди. Ҳақиқатдан ҳам ўз-ўзидан митинг бошланиб кетди. Нутқларнинг маъноси битта эди — биз нимаики қилмайлик ўз ишларимизни Ленинга қиёслаймиз, мана, бугунги касаба уюшмаси шанбалиги ҳам доҳийга бағишланади, ҳаммамиз бу меҳнат байрамида чин дилдан қувониб қатнашамиз, чунки Ленин доимо биз билан!

Анъана бўйича гудок чалиниши биланоқ корхона кексаларидан Алексей Васильевич Комиссаров, Александр Михайлович Коськов, Николай Матвеевич Железнов ва бошқалар цех томон йўл олишди. Юзлаб ишчилар тепловоз-йиғув, дизель ва электр ускуналар цехларида ўз дастгоҳлари ёнидан жой олдилар.

Завод ҳовлиси ҳақиқий байрамдагидек гавжум, серфайз. Салкам икки минг кишининг кўпчилиги ободонлаштириш, дарахт, гул кўчатлари ўтказиш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари билан машғул эди. Механика участкасида таъмирлаш ишлари қизиб кетган, тепловоз цехига кирсак, бу ерда ҳам ҳаммаёқни саранжом-сариштa қилишаётган экан. Ҳатто корхонага туташ кўчаларгача тозалашарди. Бугина эмас, корхона қарамоғидан 34, 70, 75-болалар боғчаларига ҳам ёрдамга етиб келишибди!

Кўп ўтмай қўшимча кучлар меҳнат жабҳасига келиб қўшилди. Танишсак, улар Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ва корхонага қарашли ҳунар-техника билим юртининг талабалари экан. Уларга дарҳол белкурак, супурги, замбиллар берилгач, ишга киришиб кетишди.

Шанбалик штабига кирдик. Очиғи, бу ерда штаб бошлиғи ва ҳисобчидан бўлак ҳамма цех ва иш майдонларига кетишибди. Штаб бошлиғи, завод бошлиғининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Аркадий Иванович Ткаленко билан қисқа-қисқа савол-жавоб қилишга улгурдик (чунки у ҳам ошиқарди).

Суҳбатимиз ҳовлида янграётган шўх, қувноқ садолар, одамларнинг гангир-гунгурларига уйғунлашиб кетарди.

— Дастлабки иш натижалари қандай?

— Яхши, кўнгилдагидек боряпти. Мана, тепловоз цехидан Виктор Иванович Пишкачев, аппарат цехидан Александра Ивановна Бессчетнова бригадалари олдинда боришяпти.

— Улар ягона бўлмаса керак.

— Йўқ, албатта. Электрмашина цехидан Александра Григорьевна Шабанова, Таисия Федоровна Чередникова ва бошқа кўплаб бригадалар ҳақида ҳам ҳар қанча илиқ сўзлар ёсангиз бўлаверади.

— Шанбаликдан бугун қанча маблағ тушади?

— 5 минг сўм кутяпмиз.

— У нималарга сарфланади?

— Ярми — Оролга. Ярмини ўзимизнинг «Қизил Шарқ» пионер лагерига, ободонлаштириш учун берамиз.

Ҳа, айтгандек, ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига (ўқувчиларга) пионерь лагерига бепул йўлланмалар ҳам берилади.

Шу пайт штабга кетма-кет хушхабарлар келиб тушмоқда эди. Юқори меҳнат унумдорлигига эришаётган жамоалар дастлабки тайёр бўлган тепловоз ғилдираги, локомотив мосламалари, жуда кўплаб таъмирлаш-созлаш ишлари олиб борилаётгани ҳақида маълумотлар билан танишдик.

Ҳамма нарсани ўз кўзимиз билан кўришга интилдик. Корхонада меҳнат жараёни қизғин давом этди.

Кўп ўтмай Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театридан бир гуруҳ санъаткорлар етиб келишди! Томошагоҳ ва ҳовлида ҳар жой, ҳар жойда дастурхонлар ёзилган, уларга ранг-баранг ҳамма пиширикдар, ширинлик ва лаззатли таомлар тортилган эди. Бир ёқда Алпомишу Фарҳодлар меҳнати, бир ёқда мусиқа, шўх ўйин-кулги, бир ёқда тановул... Юзларида қувонч, бахт ва истиқбол нури!

Бу тонгги манзарани биргина бу корхонада эмас, шаҳримизнинг ҳамма жойида, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасию В. И. Ленин номидаги электротехника заводида, тикувчилик бирлашмаларию қурилиш майдонларида, транспорт корхоналарию кўплаб маҳаллаларда, олий ўқув юртларида кўрдик..

Икки миллиондан зиёд аҳолига эга бўлган дўстлик, қардошлик шаҳри бўлган Тошкент бугун Ильич васиятларига садоқатини амалда яна бир бор намоён этмоқда!..

Ҳамид ИКРОМОВ.

◎ СУРАТЛАРДА: Октябрь инқилоби номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводида бугун бўлиб ўтаётган касаба уюшмаси шанбалигидан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.









Давлат қабули— сифат кафолати

ЎЗГАРИШ ТОМОН БУРИЛИШ

◎Янги ишга туширилган уйнинг олдидан ўтиб кетаётганда бехтиёр қўли гул бинокорларга тасаннолар айтасиз. «Барака топишсин, иш дегани шунақа бўлибдида», деган фикрлар кўнглингиздан кечади. Рўпарангизда салобат ташлаб турган бинонинг шундай баҳога эга бўлиши учун фақатгина қурувчиларнинг берилиб ишлагани кифоя қилгани йўқ. Давлат қабули вакилларининг ўткир назорати ва талабчанлиги туфайли ҳам янги уй ўзининг асл кўринишига эга бўлган.

ШАҲРИМИЗ саноат корхоналари, меҳнат жамоалари қатори қурилиш ташкилотларида ҳам давлат қабули фаолият кўрсатмоқда. Бу иш гарчанд кеч амалга оширилган бўлса ҳам, фойдали жиҳатлари билан кўзга ташлана бошлади. Ҳозир давлат қабули вакиллари бир ярим йиллик бой тажрибага эга. Аммо иш осон кечаётгани йўқ. Қурилиш ташкилотлари билан идоралардан ташқаридаги назоратчилар ўртасида тортишувлар бўлиб турибди. Ихтилофлар юзага келмоқда. Аммо сифатни таъминлаш талаби аҳамиятини йўқотмаяпти.

— Ишнинг фойдали томонга ўзгарганини янги уйга кўчиб кирган кўпчилик оилаларнинг қувончларидан ҳам билиб олса бўлади, — дейди Тошкент шаҳридаги муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бинолар ва турар жойлар давлат қабули участкаси бошлиғи Худойберган Кумаев. — Сифатга кафолат хонадонларнинг файзини янада очиб юбормоқда. Уй ва бошқа муҳим социал бинолар қурилишининг ҳамма босқичи давлат қабули вакилларининг назоратида бўлаяпти. Аммо ҳолва дегани билан оғиз чучимайди. Давлат қабули— янги назорат ташкилоти. Унинг таркиб топиб иш бошлаши анча оғир бўлди. Тушунмовчилик ва ҳар хил гап-сўзлар келиб чиқди. Бироқ умидсизликка тушмадик. Ҳар қандай янгиликнинг юзага чиқиши осон кечмагани каби бизлар ҳам назоратни бўшаштирмай олиб бордик. Текширишнинг сабабларини аниқлаб, ишлаб чиқаришдаги камчиликларни бартараф этишга эришдик. Ҳозир ишлаётган ташкилотларимиз ҳам, уларнинг раҳбарлари ҳам кўникиб қолишган. Аммо барибир сифат сари бурилишлардаги сусткашликлар ўшандайлигича қолмоқда. Бунга қурувчиларнинг етарли малака ва маҳоратга эга эмасликлари сабабчи бўлаяпти.

Давлат қабули — муҳим синов. Назоратнинг янги усули сифатга кафолат беради, унга тўғаноқ бўлаётган муаммолар билан келиша олмайди. Володарский кўчасидаги ётоқхона қурилишида яқинда иш вақтинчалик тўхтатилди. Монтаждан чиқарилаётган бинодаги қатор нуқсонлар давлат қабули вакилларини шундай тўхтамга келишга мажбур этди. Шаҳар қурилиш майдонларида йўл қўйилган нуқсонлар, камчиликлар учун қурилиш ташкилотлари назоратчилар олдида жавоб беришмоқда. Бироқ уларни шундан кейин ҳам хулоса чиқариб олмаётганликлари тушунарсиз бўлиб турибди. Сергели районида кейинги йилларда қад кўтарган Сергели 7, 8, 8-«А» турар жой мавзеларидаги бинолар давлат қабули вакилларининг қаттиқ чиғириғидан ўтди. Аммо ҳали ҳам даҳалардаги канализация шохобчаларини марказлаштириш масаласини пайсалга солишмоқда. Тўғри, шундай шохобчалар бор. Аммо улар уйларнинг ўзида холос. Ишлатилган сув қувурлар орқали фақат мавзенинг ўзида тўпланади. Қайта ишлаш станцияларига узатиб берилмайди. Бу масалани ҳал этишга мутасадди ташкилотларга қайта-қайта ёзилган хатлар ҳам кифоя қилмаяпти. Шундай аҳволни биз генерал Узоқов кўчасидаги 4-уйда ҳам кузатдик. 135 хонадонли уйнинг ҳозир канализацияси марказлаштирилмагани учун ишлар юришмай турибди. «Водоканал» трести бинодаги аҳволни ўнглаш билан шуғулланмоқда.

Қурилишга талаб кучайган айни вақтда камчиликларга муросасиз бўлиш ҳам қарз, ҳам фарз. Давлат қабули вакиллари қурилиш ташкилотларини чиғириқдан ўтказишда ана шу принцип асосида иш юритшмоқда. Биноларнинг биринчи тақдимдаги сифат даражаси 60 фоизга тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич оз. Уни ошириш учун бинокорлар ҳам енг шимаришлари, юксак талабга жавоб бериш учун барча зарур чораларни кўришлари керак.

Р. АЛИЕВ.

Футбол

ПЕШҚАДАМ ЮТҚАЗДИ

◎ Кеча Тошкентда «Пахтакор» командаси биринчи лигасининг турнир жадвалида пешқадамлик қилиб келаётган Запорожьенинг «Металлург» футболчиларини қабул қилди. Учрашувнинг айниқса, иккинчи бўлими жуда ҳужумкорлик билан ўтди.

Майдон эгалари 43-минутда ҳисобни очишди. Шундан кейин иккинчи бўлимнинг бошларида ҳамшаҳарларимиз янада уюшқоқлик билан ўйин кўрсатиб, ҳисобни 2:0 га етказишди. Иккала тўпни ҳам Игорь Шквирин киритди. Учрашув тугашига озгина вақт қолганда меҳмонлар битта тўп киритишди. «Пахтакор» ўз майдонида иккинчи ғалабани қўлга киритди. Энди тошкентликлар навбатдаги тур учрашувини 26 апрелда меҳмонда — «Локомотив» командаси билан ўтказишади.

Тўртинчи турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижаларда тугади: «Ростсельмаш» — «Факел» — 0:0, «Динамо» (Ст) — «Локомотив» (Г) — 2:0, «Қайрат», — «Нистру» — 1:1, «Локомотив» (М) — «Нефтчи» — 2:1, «Кузбасс» — «Зенит» — 1:2, «Геолог» — «Кубань» — 3:0, «Шинник» — «Динамо» (Сх) — 1:0, «Спартак» — «Тирас» — 3:0 — «Котайк» — «Таврия» — — 0:0.



⊙ МУРАББИЙ ВА ШОГИРД. Тошкент золдирли подшипниклар заводининг илғор ишчилари Муҳаббат Эминова ва Зинаида Холиқовалар.

Т. Каримов суратн.


Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

Яхшилик куртаклари

ОЧИҒИНИ айтиш керак, она табиатга бу йилгидек эътибор, меҳр-муҳаббат ҳеч қачон бўлмаган. Шаҳримизни яшил либосга буркаш, унинг бағрида мевали боғлар барпо этиш аввалари шунчаки бир орзу эди. Шаҳар ўртасидаги бир туп оқ ўрикка ҳайрат билан тикилардигу аммо табиат ато этган бу улуғ неъматни асраб қолишни хаёлимизга ҳам келтирмас эдик. Кўчаларимиз, хиёбонларимиз каби қалбимиз тўрини ҳам манзарали дарахтлар эгаллаб олган эди. Бу йил қиш уйқусидек мудроқ кўзларимиз очилди. Мевали дарахтларсиз эртамизни эмас, ҳатто ўзлигимизни ҳам йўқотиб бораётганимизни пайқаб қолдик. Шаҳарга боғ ярашмайди, мевали дарахтлардан наф йўқ деб сафсата сотганлар мулзам бўлиб қолишди.

Ҳозир шаҳарнинг чекка қисмидаги маҳаллаларда, турар жой даҳаларида мевали дарахтлар яшнаб турибди. Уларнинг ёнига экилган ниҳоллар қад ростламоқда. Уларни кўриб тупроғи олтин ўлкамизнинг мўъжизакор қудратидан бир зум лол қоламиз. Шаҳарни гуллаб-яшнатиш, боғ-роғларга бурқаш ҳали ҳам кеч эмас. Республика партия-хўжалик фаолларининг йил бошида бўлиб ўтган кенгашида муҳим ишга қўл урилди. Жумҳуриятимизда мевали дарахтларни кўпайтириш, узумзорлар яратиш, боғларни яшнатиш истиқболлари белгилаб берилди. Кенгаш қарорига мувофиқ ҳозир Тошкентни обод этиш, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ана шу мақсадда ўтказилаётган икки ойлик ниҳоясига етай деб қолган бўлса ҳам, аҳамиятини йўқотгани йўқ.

— Шаҳарни яшил либосга буркаш ҳамма ташкилот ва муассасаларни бефарқ қолдирмаяпти,— дейди Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси ходими Олимжон Раҳимов. — Яқин йилларгача фақат бошқармамиз кўчат экиб, боғ яратиш, ниҳолларни парваришлаш билан шуғулланиб, келарди. Бу йил шаҳар ижроия комитетининг ҳамма Бош бошқармаси ва бошқармалари шу хайрли ишга жалб этилди. Улар ўзларига қарашли майдонларни ўзлари назорат қиладиган бўлишди. Ишнинг яхши томонга ўзгарганини шундан ҳам билиб олса бўлади. Ҳозир бошқармалар томонидан ўтқазилган мевали дарахт кўчатлари 26 минг тупга етди. Бизнинг бошқармамиз билан қўшиб ҳисоблаганда бу кўрсаткич 52 минг тупдан ошиб кетди. Агар ҳар бир дарахт яхши парвариш қилинса, яқин йиллар ичида ҳаммаёқ яшнаб кетади.



шуғулланиб келарди. Бу йиллар Бошқарма мутахассисларининг гапида жон бор. Аммо дарахтлар парваришини бир хилда олиб бориш ҳам осон иш эмас. Аксарият жойларда буталанмаган дарахтлар, шохлари атрофга ёйилиб кетган кўчатларга дуч келамиз. Уларга қарашга, асраб-авайлашга эътиборнинг камлиги дилимизни хира қилади. Ўтган йили «Гулистон», «Алгоритм», «Қизил Шарқ» даҳаларига ўтқазилган дарахтларнинг кўпи сувсизликдан қуриб, адо бўлди. Бундай нохуш аҳволнинг шаҳримизнинг бошқа жойларида ҳам содир бўлмаганига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Сув—ҳаёт манбаи. Унинг яшил ниҳолларга, мевали кўчатларга қувват бағишлаши учун шаҳримиздаги ариқ-зовурларни тартибга келтириш, тозалаш, санитария ҳолатини яхшилаш керак.

— Мен Ҳамза районидаги М. Ҳасанова кўчасида яшайман, — дейди В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Собир Йўлдошев. — Бирлашма билан уйимизнинг ёнидан Қорасув канали оқиб ўтган. Саккиз йилдан бери бир йўлдан қатнаб бирор маротаба каналнинг тозаланганини кўрмадим. Ваҳоланки, район ободонлаштириш бошқармаси ҳудди шу канал бўйидаги бинода жойлашган. Каналдан ҳар хил ифлос нарсалар оқиб ўтиб, сувни булғамоқда, экологияни заҳарлаяпти. Ундан сув ичган дарахтлар қуриб, қовжираб қолмайдими?

Ҳақ гап. Шаҳримиз қанча озода, кўркам бўлса шунчалик яхши. Аммо бу ишга ҳамма бирдек бош қўшаётгани йўқ. Яхши ният билан ерга кўчат экканнинг табиатга муносабатини белгилаб олиш қийин иш эмас. Бироқ қилган меҳнатингни қадрига бошқаларнинг етмагани ёмон-да.

— Акмал Икромов районидаги Саккокий кўчасига яқинроқ 20 гектарга яқин ер обод қилиниб, ҳар хил мевали кўчатлар ва гуллар ўтқазилди, — дейди Зиёвуддин Асомов. — Ўзим меҳнат ветерани бўлсам ҳам янги боғни обод қилишда онлам билан қатнашдим, 20 минг туп наъматак экиб, гул улаб бердим. Меҳнатимиздан кўпчилик миннатдор бўлди. Аммо ҳозир бу боғ ахлатхонага айланган. Ахлат ташийдиган машиналар ҳаммаёқни расво қилиб кетди. Агар бирор одам дуч келган жойга нарса ташласа унга жарима солинади. Бироқ шундай кўркам боғнинг вайронага айланиб қолишига йўл очиб берганлар хотиржам юришибди. Уларга на жарима солинаяпти, на назорат қилинаяпти.

Бу воқеадан ижроқўмдагилар хабардор эмаслиги мумкин эмас. Шундай экан, улар қаёққа қарашаяпти. Кўпчиликнинг меҳнати сингган, қалб қўри бағишланган боғнинг бу аҳволга келиб қолиши наҳотки уларни ташвишлантирмаса.

Табиатни авайлаб-асраш бизнинг бурчимиз. Ҳар бир қилган қалтис хатоимиз учун у албатта биздан ўч олади. Мевали боғларга, яшил майдонларга ўгай муносабат бизни шу аҳволга олиб келди. Энди кўзимизни каттароқ очиб, ҳаётга ўткир нигоҳ билан назар ташлашимиз керак.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

БУЗИЛГАН РЕЖА

⊙ Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жумҳуриятимизда энг катта корхоналардан ҳисобланади. Бирлашмада 10 мингга яқин ишчи ва хизматчилар меҳнат қилишади. Улар тўла хўжалик ҳисобига 1988 йилнинг январидан ўтган эдилар. Айни пайтда бирлашма хўжалик ҳисобининг биринчи усулида ишлаяпти.

ИШЧИ ва хизматчилар ўтган йили 104,1 миллион сўмлик ўрнига 104,2 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришди. 1988 йилга қараганда ўтган йили ўсиш 106,9 фоизни ташкил этди. Лекин бирлашмада товар харид қилиш режаси бажарилмай қолди. Шартнома мажбурияти эса 96,6 фоизда қолиб кетди. Яъни, шартнома мажбурияти бўйича 104,1 миллион сўмлик ўрнига 100,7 миллион сўмлик маҳсулот берилди. Шу бирлашма маҳсулотини олаётган корхоналар бирлашмадан 3,4 миллион сўмлик маҳсулотни ололмадилар. Фойда ҳам шунга яраша бўлди. Ишчилар режадаги 24,2 миллион ўрнига атиги 18,1 миллион сўмлик фойда олдиларки, албатта бу ҳеч кимни қаноатлантирмади.

Хўш, нега бирлашмада маҳсулот харид қилиш ҳамда шартнома мажбуриятлари бажарилмади? Бунга шу бирлашмага, умуман шаҳримизнинг кўпгина корхоналарига хос бўлган бир муаммо сабабдир. Бу муаммо бирлашма билан буюртмалар етказиб бериш бўйича мамлакатимиздаги турли корхоналар тузган шартнома мажбуриятлари сидқидилдан бажарилмаётганлигидир.

Масалан, Могилевскдаги «Электродвигатель» заводи ўтган йили ўз вақтида шу бирлашмага керакли хом ашёни етказиб бермади. Ленинграддаги завод 250 та уч фазали ҳисоблаш мосламасини, 2472 та муҳим детални кам берди. Двиногорскдаги завод 1870 та, Курск заводи эса 2060 та зарур автоматларни, Чебоксаридаги завод 11 982 та релени ўз вақтида етказиб бермади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бу йил ҳам юқорида номлари кўрсатилган заводлар томонидан хом ашё етказиб беришда узилишлар бўлиб турибди.

Бирлашмада маҳсулот харид қилиш ва шартнома мажбуриятлари бажарилмаётганлигининг иккинчи сабаби эса бирлашма қабул қилган режага яна қўшимча топшириқларнинг берилишидир. Яъни, беш йилликда белгиланган режа ўзи шундоқ ҳам тиғиз эди. Бироқ шунга қарамасдан тармоқ министрлиги томонидан яна қўшимча равишда маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи берилган.

Мисол учун, Арманистонда ер қимирлаш муносабати билан «Армэлектроконденсатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси тўхтаб қолди. Шу корхонада ишлаб чиқарилаётган лифтларни бошқариш станцияси бирлашма режасига қўшимча суратда киритилдики, бунинг натижасида йиллик асосий режадан ташқари яна 8 миллион сўмга яқин маҳсулот тайёрлаш вазифаси қўйилди. Бу эса бирлашмада ўзига хос қийинчиликлар туғдирмай иложи йўқ эди. Аввало корхона режаси бузилди. Ундан кейин министрлик шу қўшимча топшириққа яраша материал ҳамда маблағ билан тўлиқ таъминлагани йўқ. Яъни, қайси завод қандай хом ашё етказиб беришни аниқроқ кўрсатгани ҳам йўқ. Мана шуларнинг касрига бирлашмада шартнома мажбуриятлари ҳамда маҳсулот харид қилиш режаси барбод бўлди.

ФОЙДАДАН НИМА ФОЙДА?

БИРЛАШМА ўтган йили 18,1 миллион сўм соф фойда олди. Аммо ишчилар бундан фойда кўрдиларми? Бу савол бир қарашда ғалати туюлиши мумкин. Негаки, 18,1 миллион сўм фойдадан бирлашманинг 10 мингга яқин ишчи ва хизматчиларига атиги 331 минг сўми мукофот тарзида берилди, холос. Бунинг сабаби фойданинг талон-тарож қилинишидир. Масалан, фойданинг асосий қисмини министрлик тортиб олди. Аниқроқ қилиб айтганда, фойданинг 75—78 фоизи «юқори»га оширилди. Тўғри, министрликдан бирлашма ҳар хил эҳтиёжлари учун бир қисмини қайтиб олади, аммо бу дарёдан томчи деган гап.

Фойданинг қолган қисми ҳар хил эҳтиёжларга ишлатилади. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, хизмат турларининг баҳолари негадир ошиб кетган. Масалан, яқинда ҳамма транспорт хизматлари ҳақи 1,5 мартага ўсди. Электр қуввати ҳамда ёқилғи нархи эса 1,3—2 фоизга ошиб кетди. Кейин бу фойдадан ишчиларга бинолар қуриш керак бўлади. Заводлар, пионер лагерлари ва бошқаларнинг жорий ремонтига ҳам шу фойдадан сарфланади. Бирлашмада эскириб қолган ускуналарни янгилашга ҳам шу фойдадан олинади ва ҳоказо. Энг охирида қолган фойда ишчи ва хизматчиларга мукофот тарзида тақсимланади.

Хуллас, фойдадан бевосита ишчи ва хизматчилар қўлига тегадигани оз. Чунки фойдани яратаётган ишчига мукофот сифатида берилган маблағ шу фойданинг юздан бирига ҳам тўғри келмайди.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳримиздаги бу йирик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тўла хўжалик ҳисобининг ўзига хос муаммолари тўпланиб қолган. Корхонада бу янги усул кўнгилдагидек самара бермаётганининг сабабларидан бирини юқорида қайд этдик. Бу таъминотчилар панд берганлиги натижасида юзага келган. Улар панд беришмаганда эди, бирлашма режа ва мажбуриятларини бажарган бўлар эди. Иккинчи сабаби, бирлашмага режадан ташқари министрлик томонидан қўшимча топшириқ берилишидир.

Бирлашма маҳсулот харид қилиш ҳамда шартнома мажбуриятларини бажармай қолганлигининг яна бир сабаби бор. Бу темир йўлда тез-тез узилишлар бўлиб туришидир. Хўш, бирлашма тўла хўжалик ҳисобини юритишдаги бу оғир муаммоларни қандай қилиб ечяпти? Келинг, шу ҳақда бироз тўхтайлик.

Ҳозир тўла хўжалик ҳисобида йиғилиб қолган бу муаммоларни бирлашма маъмурияти ҳал этишга ҳаракат қиляпти. Бу йил барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича белгиланган режаларни бажаришга интилиш кучли. Таъминотчилар билан алоқани мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, маъмурият кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўли билан ҳам бу муаммоларни ечишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, агар ўтган йили шундай маҳсулотлар 10 миллион сўмликни ташкил этган бўлса, бу йил уни 12 миллион сўмликка етказиш мўлжалланмоқда.

Ғ. ЮСУПОВ.

ШАҲРИМИЗ кун сайин ҳам энига, ҳам бўйига кенгайган сари шаҳар электр транспортига бўлган талаб ҳам тобора ортиб боряпти. Шунинг учун бу борадаги ишларнинг аҳволи кечиктирилмай ўрганилмоқда, меҳнаткашларнинг адолатли эътирозларига сабаб бўлаётган асоссиз навбат кутишларига барҳам берилмоқда.

1.696 минг киловатт-соат электр қуввати, 107,200 минг куб метр табиий газ иқтисод қилинди.

Ўзини ўзи бошқариш тажрибасидан кўриниб турибдики, бу қулай ва фойдали усул ҳозирги қайта қуриш даври талабига мос. Техника ремонти бўйича ҳам кўрсаткичлар юқори даражага кўтарилди.

маков, Энгельс номли подстанцияларда монтаж ишлари бошланди. «Қўйлиқ—5» массивига Чиковани кўчаси бўйлаб трамвай линияси 4 километрга узайтирилади. Фарҳод кўчасидан Бобур, Улуғбек, Генерал Узоқов, Беруний кўчаларида троллейбус ҳаракати йўлга қўйилади. «Зенит» заводи ишчиларининг

ЯҚИН МАНЗИЛЛАР



Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг 36 миллат вакилидан таркиб топган олти мингдан зиёд ремонтчи-инженер ва техник ходимлари аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида доим ижодий изланишдалар. Хўш, бу катта жамоа келгусида қандай ишларни амалга оширмоқчи?

Ҳозирги кунда 346 та трамвай, 310 та троллейбус миллионга яқин аҳоли манзилини яқин қилиб келяпти. Ҳаракат мунтазамлиги трамвайларда 93,5, троллейбусларда 97 фоизга кўтарилди. Меҳнат интизоми бузилишининг олдини олишга муҳим эътибор қаратилди.

Трамвай, троллейбус деполари ва вагон ремонти заводида илмий жамиятлар фаолиятини ривожлантириш, эркин ижод этишни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда ҳам «Энг яхши ихтирочи корхона», «Энг яхши рационализатор ҳайдовчи» шарафли номини олиш учун социалистик мусобақа қизитиб бориляпти.

Жамоа кўплаб электр қуввати ва шартли ёқилғи иқтисод қилишга муваффақ бўлмоқда. Бош энергетика бўлими ходимлари электр ускуналардан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида кўп энергия сарф қиладиган ускуналар ишини доим назорат қилиб бормоқдалар. Трамвай, троллейбусларнинг тормоз системасининг сифат ва самарадорлигини ошириш, подстанцияларни қайта жиҳозлаш, агрегатлар ишини такомиллаштириш яхши самара берди.

Шимолий-Ғарб даҳасигача троллейбус линиясини узайтириш ҳақида сайловчилар ўз истакларини билдирган эдилар. Сайловчиларнинг илтимосларига биноан тезда троллейбус симлари монтаж қилинди, аҳоли талаби қондирилди. «Чимбой — Олимпия» меҳмонхонаси оралиғида ҳам янги троллейбус линияси ишга тушди. ТошМИ-2, «Алгоритм», М. Горький, Жанубий подстанциялари фойдаланишга топширилди, транспорт ҳаракатидан қониқмай ёзилган шикоят хатлари камайди. Ҳозирда ҳамшаҳарларимизнинг яна катта бир талабини қондириш мақсадида ижодий изланиш олиб бориляпти. Юнусобод — Чимкент тракти — Қорақамиш оралиғида 8,5 километрли трамвай линиясини бунёд этиш жадаллаштирилади.

Шаҳар электр транспорти истиқболини янада юксалтириш муаммолари доим диққат марказида.

1990-1991 йиллар электр транспорти хўжалиги учун энг юксалган йиллар даври бўлади. Йўл, энергия хўжалиги хизмати учун янги ишлар чиқариш базаси бунёд этилади. Тошкент Советининг 50 йиллиги номли вагон-ремонти заводи қайта реконструкция қилиш имкониятига эга бўлади.

Ҳаракатдаги составларнинг иши яхшиланади, тезлиги ортиб, пассажирларнинг транспортларни кутиш учун кетадиган вақтлари тежалади. Шу мақсадда 12 та трамвай, 34 та троллейбус ҳаракат составларини тўлдиради. Ички имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида Самарқанд автостанцияси, Чимбой, Қайтроллейбус эҳтиёжига бўлган талаби ҳам қондирилади. Аҳмад Дониш — Каймаков оралиғида троллейбус симларини монтаж қилиш планлаштирилмоқда.

Москва «Гипрокоммундортранс» институтининг лойиҳаси асосида пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида 150 ўринли троллейбус депоси фойдаланишга топширилиши натижасида йўловчилар оқими олти фоизга ортади. Бу янги корхонага Тошкент райони Охунбобоев номли колхоз ҳудудидан 7,5 гектар ер ажратилди. Трамвай ва троллейбус деполарини қуриш учун етарли маблағ ажратилади.

1990 йилдан ҳайдовчиларга қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди. Трамвай, троллейбус ҳайдовчилари аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатганликлари учун тариф бўйича 10 фоиз қўшимча ҳақ оладилар. Мабодо ҳайдовчилар устидан шикоят тушса, кондукторсиз ишлаш қоидаларини бузилса, бекатлар номи микрофон орқали эълон қилинмаса ҳайдовчилар қўшимча ҳақ олишдан маҳрум этиладилар.

Аҳолининг электр транспортга бўлган эҳтиёжини қониқтириш муҳим муаммо ва долзарб вазифалардан бўлиб қолди. Ҳар бир электр транспортчи аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишни ўзининг шарафли ва муқаддас бурчи, деб билади. Шу мақсадда ҳам масъулиятли вазифани ошкор этиш ва жадаллаштириш йўлида меҳнат беллашуви жонланмоқда.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

Шарҳчи сатрлари

Пул қанча туради?

Эсимда, Англияда «Автомобилдан сақлан» фильми кўрсатилган эди. Бу фильм инглизларга маъқул бўлди, лекин улар нима учун автомобилни ўғирлаган киши ижобий қаҳрамону, комиссион магазинининг олғир сотувчиси ва пиво залининг ўғрисифат директори қоралашга арзийдиган ўткинчи одам эканлигини ҳеч тушунмай ҳайрон бўлишарди. Ғарбдаги низомга кўра бунинг акси бўлиши керак.

Инглизлар ўша вақтда совет матбуотида эълон қилинган маъмурлар рухсат бермаган камчил товарлар ишлаб чиқарадиган фабрикаларнинг кенг тармоғини ташкил этган сергайрат грузиялик одамнинг жиноий иши тўғрисидаги хабарни ҳам тушуна олишмади. «Савдо министрини ёки Грузия енгил саноат министрини суд қилиш керак, унинг ўрнига ана шу омилкор одамни тайинлаш лозим», — дейишган эди инглиз танишларим...

Аммо бу йигирма йил олдинги гаплар. Шундан буён бизда ҳам шартнома нархлари билан ишлайдиган кооператив кафелар ва комиссион магазинлар пайдо бўлди. Уларнинг хизмати шунчалик қадрланадики, комиссион магазинларнинг ходимлари кооператив кафеда овқатланишади, кафедаги меҳнатчилар эса комиссион магазинидан буюмларни харид қилишади. Қисқа қилиб айтганда, чет элликларнинг бизни тушунишлари анча осон бўлиб қолди, лекин «Сирли рус қалби» ҳали ҳам ўзини кўрсатмоқда. Кўпроқ пул ишлаб топишга уринаётган одамларни бошқа граждан нима учун қўли эгри деб ҳисоблаб уларга нафрат билан қарашларини Ғарбдан келган меҳмонлар ақлига сиғдира олмайдилар. «Уларда», олдинги ёввойи, ҳозирда эса бутунлай маданиятли Ғарбда яна ҳамма нарса ўзгача.

Болаларни ёшликдан пулни қадрлашга ўргатишади. Соф олтинни эмас, балки оддий қоғоз пулларни ва танга-чақаларни қадрлашга ўргатишади. Болаларнинг меҳнати учун уларнинг оталари ва оналари ана шундай пул билан ҳақ тўлайдилар. Мисол учун, бола уйда ёрдам беради, гулларга қарайди, автомашинани ювади. Бунинг учун унинг бошини силашмайди. Бунинг учун нақд пул беришди ҳамда бу пулни кинога ёки мороженоега сарфлаш ёки бўлмаса тўпланг, зарур буюмни сотиб олиш учун тўла ҳуқуқ бериб қўйишади.

Дўстларинг билан кафега боришни хоҳлайсанми — ҳалол ишлаб топган пулингни сарфлаш учун бораётган бўлсанг, бунда ҳеч қандай муаммо йўқ. Болага қарз бериб туриш мумкин албатта, лекин қайтариб бериш шарт. Велосипедни хоҳлайсанми — марҳамат, лекин унн сотиб олишга кетадиган пулни газета ёки магазиндан харид қилинган нарсаларни тарқатишга ёлланиб бўлса ҳам тўлаб қўясан.

Шу тариқа меҳнатга ҳурмат тарбияланади, мустақиллик ва ташаббускорлик сингдирибборилади. Пулни олди-сотдисига қарамай сарфлаш имкониятига эга бўлган оилаларда ҳам шундай қилинади. Айтмоқчи, осон пул топган одамгина уни беҳуда сарфлайди. Умумий қоидадан мустасно бўлиши мумкин албатта, лекин қонда ўзгармай қолаверади.

Мен бир неча йил Америкада ишладим. У ерда ҳар қандай меҳнат фахрли. Фақат меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши керак. Ёшларнинг ҳаммол, сотувчи, югурдак, официант бўлиб ишлаб пул топиши уят ҳисобланмайди, СССРда ёзда меҳнат қилаётган студентни топиш қанчалик қийин бўлса, Қўшма Штатларда таътил даврида фойдали меҳнат билан банд бўлмаган студентни учратиш шу қадар қийин.

Бунинг устига менинг назаримда Америкада қоғозга ёки телефон орқали айтилган гапларга қараб эмас, балки янги ходимнинг малакасига қараб ишга олишади. Нималарга қодирлигингни меҳнат билан исботлаб беришинг керак, ҳақиқий билиминг, маҳоратинг ва жон куйдириб ишлаш истагинг бўлмаса ҳеч қандай диплом ёрдам беролмайди. Бошқача ишни тасаввур ҳам қилишмайди. Чунки ишга унга сарфланган куч-ғайратга қараб ҳақ тўланади.

Юрий УСТИМЕНКО. [ТАСС].



⊙ ГФР. Вупперталликлар қадрдон шаҳарлари билан ҳақли равишда фахрланиш билан бирга, ўнлаб йиллар мобайнида унинг машҳур, диққатга сазовор гўшаларидан фойдаланишади. 1898 — 1903 йилларда қурилган осма йўл — яқин масофаларга бориш учун энг қулай транспорт воситаси ҳисобланади. Кейинроқ ана шу осма йўл таъмирланди. 13,5 километр узунликдаги, ер сатҳидан 8—12 метр баландликда ўтган осма йўлнинг бадиий жиҳатдан безатилган 19 та станцияси бор. Вупперталликлар шаҳар ички магистрали бўйлаб соатига 60 километр тезлик билан ҳаракат қилишади. Ҳар кунн осма йўл транспортн ҳар иккн томонга 193 марта бориб келади.

АДН — ТАСС суратн.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«СОҚОВ»ДАН ДОД»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 10 февраль сонида босилган ана шу сарлавҳа остидаги шанба фельетонида телефон носозлиги билан боғлиқ ҳоллар, унн тузатиш кўпинча пайсалга солинаётганн, қуруқ ваъдадан нарига ўтилмаётганн, бу эса одамларнинг кўпдан-кўп вақтларнни олаётганн айтилган эдн.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштнрнш ншлаб чиқарнш бирлашмаси бошлнғн В. Л. Штейнберг редакцняга ана шу мақола юзасндан йўллаган жавоб хатнда жумладан шундай дейнлади:

— «Шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштирнш ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли алоқа тармоқлари ва станцияларн жамоаларн ишидаги нуқсонлар фельетонда тўғри кўтарилган. У бирлашма бошқармасининг кенгашида атрофлича кўриб чиқилди. Унда газета танқиди ўз вақтида ва жуда ҳаққоний деб топилди. Мақолада тилга олиб ўтилган ҳар бир телефон ишини йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбир кўрилди.

Шунингдек, газета материалли телефон тармоқлари ва уларга қарашли станцияларнинг жамоалари ўртасида ҳам муҳокама этилди. Айбдорларга нисбатан тегишли чора кўрилди. Масалан, телефон йўллари инженерлари Б. Холметов ва Т. Шариповга маъмурий чора кўрилди, 46-автомат телефон станцияси инженери Р. Орипов эса вазифасидан четлаштирилди.

«Соқов»дан дод» фельетонига мавзу бўлган нуқсонларнинг бош сабаби — масъулиятни юксак даражада ҳис этадиган ва малакали кадрларнинг етишмаслиги ҳамда телефонлардан фойдаланиш жараёнлари моддий-техник жиҳатдан қониқарсиз таъминланаётганидадир.

Ҳозир бирлашмада телефон тармоқлари иши юзасидан тушаётган шикоятлар сонини қисқартиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилмоқда».

«ИМТИЁЗ БЕРИЛДИ, АММО...»

«Мен 1978 йилдан берн «Шарқ гулн» бадиий буюмлар ишлаб чиқарнш бирлашмасида ншлаяпман. Афғонистонда байналмилал бурчимнн ўтаб қайтдим, — деб ёзган эдн «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 3 январь сонида байналмилалчи-жангчи М. Умаров. — Енгил машина олмоқчи бўлиб касаба уюшмаси комитетига рўйхатга ёзилдим. Мана, орадан бир ярим йил ўтса ҳам машинадан дарак йўқ...» Қизиғи шундаки, хат муаллифининг район Совети ижроия комитетига бориб аниқлашича, корхонага машиналар берилган экан.

Бу мақола юзасидан «Шарқ гулн» бадиий буюмлар ишлаб чиқарнш бирлашмаси касаба уюшмаси раиси Ш. Сандвалиева редакцияга қуйидагиларни маълум қилди:

— «Байналмилалчи - жангчи М. Умаровга шу йилнинг биринчи кварталида «Жигули» ва «Москвич» автомашиналари таклиф этилган эди. Навбат рўйхатига мувофиқ М. Умаров «Жигули»ни меҳнат ветерани олишига розилик бериб, «Москвич»дан воз кечди.

Энди унинг илтимоси шу йилнинг II кварталида қондирилади».

Хат босилмаса ҳам

Телефон созланди

Газетхон Р. Никинбоева ўзи истиқомат қилаётган Шароф кўчасидаги 2-ўтар кўча, 6-уйида телефон ишламаётгани ҳақида редакцияга шикоят хати йўллаган эди. Бу хат текшириб, чора кўриш учун шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилди. Редакция шу бирлашма бошлиғи В. Л. Штейнбер имзоси билан жавоб мактуби олди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— «Ҳақиқатан кабель носозлиги туфайли 47-48-96 номерли телефон 15 январдан то 31 мартгача ишламаган. Ҳозир телефон ишлаяпти. Телефон ишламаган вақт учун тўланган пул бошқа ойга кўчирилади».

Нусрат РАҲМАТ

ҲАЁТ СИРЛАРИ

«Ўгитнома» китобидан

⊙ ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТАНСИҲАТЛИК ХУСУСИДА

ЭЙ ФАРЗАНД, унутмаки, инсоният тараққиёти давомида ҳушфеъл оталар ҳамиша зурриётлар ҳақида ғамхўрлик қилишган, уларга бой мерос қолдириш пайида бўлишган. Надоматлар бўлсинким, биз келажак авлод ҳақига чанг солиш билан кифояланмай, уларнинг насибасини ҳам заҳарлашда давом этдик.

Сен болам, биз гумроҳларнинг гуноҳларимизни енгиллаштир, нуқсонларимизни такрорлама. Мабодо муаллим бўлсанг, болакайларнинг қулоқларига қуй: улар яшил оламга, заминга меҳр қўйишсин: мабодо олим бўлсанг, муаммоларни очиб бер, одамларга мунаввар йўлни кўрсат! Раҳбар бўлсанг, бу борада қўл остингдаги кишиларга ибрат бўл. Хуллас, ким бўлсанг ҳамки бонг ур, даъват эт — токи одамлар ҳушёр тортишсин: хатолардан ўзларини тийишсин!

Шуни ёдда тутгинким, бундан кейин миллатнинг маданияти унинг атроф-муҳитга бўлган муносабатига қараб белгиланади.

ҲИКОЯТ

⊙ — Ҳей, она табиат! Сен одамларни сувга ғарқ қил, улар яшайдиган заминни қаттиқроқ тебрат, касалликлар юбор! Чунки улар тоғларни топташди, жониворларни нобуд қилишди, сени она дея туриб, бағрингга тупуришди! Ўч ол, улардан!

— Йўқ, йўқ она табиат, ундай қилма, ундай қила кўрма! Одамлар ҳам ахир, сенинг фарзандларинг. Сен уларнинг кўнгилларига раҳм-шафқат сол, дилларига эзгулик уруғини сеп!

⊙ Одамлар азал-азалдан ўғилларига Арслонжон, Бўривой, Қўчқорбек, Шербек, Қоплонбек; қизларига Лола, Наргис, Райҳон, Сунбула сингари номлар қўйишган, уларни кўзимочим, бўталоғим, лочиним деб эркалашган. Табиатга меҳр қўйсин, уни эъзозласин, қадрига етсин, деб шундай йўл тутишган бўлишса ажаб эмас!

⊙ Шаҳардаги дарахт! Зарурми сенга шу азоблар! Одамларга сен соф ҳаво, салқингина соя ато этасан. Улар тананг бўғзигача асфальт ётқизиб, илдизингни ҳаводан маҳрум этадилар, баргларингга губор индирадилар; сен ҳам тирик вужуд эканлигингни, сув-озуқага зор бўлиб яшашингни эътиборга ҳам олмайдилар. Бунинг устига сенинг «ҳосилинг»ни кўзлари илғамайди, мевасиз дарахт деб камситишади.

⊙ Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Терентий Мальцев бир мақоласида: «Ер тиз чўкиб, биздан мадад сўраяпти», деб ёзади. Ваҳоланки, биз тиз чўкиб ундан мурувват қилишни сўрашимиз, аждодларни боқкан бу она заминдан авлодларимизга ҳам насиба улашишни илтижо қилиб сўрашимиз керак эди-ку!

Гумроҳлик ўтмадимикин биздан?!

⊙ Йўқ, ҳайвонот боғининг панжараси жониворлар учун ҳибсхона эмас, балки қалқондир. Бу ерда ҳеч ким уларга милтиқ ўқталмайди.

⊙ Асфальтни парча-парча қилиб ёриб чиққан майсани кўрганингизда, дилингизда қанақа туйғулар чарх уради? Эҳтимол ачиниш ҳисларидир. Асфальтгами? Балки шу нозиккина баргга қиличдай қудрат ато этган табиатга таҳсинлар ўқирсиз.

Эҳтимол, бу нарсаларнинг ҳаммаси сиз учун аҳамиятсиздир?!

Йўқ, мен бунга ишонмайман!

⊙ ЭЙ ФАРЗАНД! Энди тансиҳатлик хусусида сўз юритмоқчиман. Маълумки, саломатликни сақлаб қолиш, афсуски, ҳамиша ҳам кишининг ўз ихтиёрида эмас. Табиат ва жамиятнинг юзлаб ёвуз кучлари вужудингни бўридай муттасил кемириш, ғорат қилиш пайида бўладилар. Бу офатларга қарши жуда катта куч билан кураш олиб боришга тўғри келади.

Курашни айнан ҳаво ва сувнинг бегуборлигидан бошлаш зарур. Модомики, бу иккала неъматда иллат бор экан, саломатликни сақлаш ёки тиклашга манман деган табиб ҳам кафолат беролмайди.

Халқда: ихлос-у холос, эътиқод-у мурод деган нақл бор. Сен шифокоргами, табибгами, экстрасенсгами мурожаат қилар экансан, энг аввало унга эътиқод қўй, эҳтиром кўрсат. Қадимги юнон шифокорларидан бири айтган экан: «Мен касаллик билан яккама-якка жангга чиқаман: бундай пайтда бемор ким томонда бўлса, ўшанинг қўли баланд бўлади». Беморликни бошдан кечиришнинг ҳам ўз талаб, таомиллари бор, албатта. Аммо ҳар қандай касалликнинг биринчи шарти мардлик, бардошликдир. Бундай ноҳуш, лекин ўткинчи дақиқаларда ўзингни шундай тутгинки, уйдагилар, шифохонадагилар, ҳакимлар сендан заррача безишмасин, билъакс меҳрлари жўш урсин. Умид ва ишонч дилингни бир лаҳза бўлса ҳам тарк этмасин. Ҳатто қабрга қўйилгандан кейин ҳам қайта тирилиб, юзага чиққан одамларни шахсан танийман!

Ўғлим, қизим! Сизлар пушти камаримдан бўлган жигаргўшамсизлар. Оёқларингга тикан қадалгудай бўлса, бор вужудим зирқирашини тасаввур қилолмайсизлар. Бинобарин, мен учун энг бебаҳо бойлик сизларнинг саломатликларингиздир. Мансабларинг, мавқеларинг, маблағларингдан жудо бўлсаларинг садқаисар, аммо юзларингни сўлғин, қоматларингни дол кўриш мен учун оғир, жуда оғир!

Бу нотинч оламда бандасининг бошига нималар тушмайди дейсизлар?! Омад юз ўгириб ёки фалокат рўй бериб тўшакда ётиб қолсаларинг ўксишга сира ўрин йўқ! Мен ҳамиша сизлар билан биргаман! Мабодо бўлмасам, кўзларингни юмиб, мени ёдга олинглар. Шунда бир меҳрибон, далдакор нигоҳ умид билан термулади, ҳароратли пешоналарингга кимдир жуда ҳам таниш ва матлуб бармоқларини теккизади. Бу руҳан менинг нигоҳларим, менинг бармоқларимдир!

Соғлиқ ва тетикликнинг бош омилларидан бири ҳаракат эканини унутманглар. Кавказда юз-юз қирқ йил умр кўрганларнинг аксарияти вино ҳам ичган, тамаки ҳам чеккан (буни зинҳор тавсия деб билманглар), лекин улар тириқчилик сабаб ҳар куни тоққа чиқиб-тушишган. Тананинг доимий ҳаракати уларнинг умрини узайтиришнинг биринчи омили бўлган. Шу билан бирга, тоғларнинг тоза ҳавоси, шаффоф суви ҳам уларга қувват ато этган.

Ўғлим! Эркак киши дардга чалинганда, ундан энг аввал умр йўлдоши воқиф бўлмоғи керак. Чунки эркак учун ёстиқдошдан кўра маҳрам киши йўқдир.

Қизим! Умр йўлдошинг билан шу даражада сирдош бўлишинг керакки, андак шамоллаб қолганингда ҳам у дарҳол бохабар бўлсин ва ташвишга тушсин!

Болаларим! Сизларнинг соғлиқларингиз шахсий бойлик бўлмай, авлодлар ва жамиятнинг ҳам бебаҳо хазинаси эканлигини унутманглар!

НАФИС НАШРЛАР

⊙ ҚАДИМИЙ ва гўзал Самарқанд, Бухоро, Хива маданий ёдгорликлари, нафис сайқал топган нақшин кошоналари бутун дунёга яхши маълум. Ана шу бебаҳо тарихий обидалар билан чет эллик дўстларимизни яқиндан ошно қилиш мақсадида қатор нашрлар чоп этилди.

Яқин орада бу хил адабиётлар яна бир нечта янги китоблар билан бойийди. Самарқанд ва Хиванинг чиройли кўринишларини ўзида бадиий акс эттирган бунетларни босмага тайёрлаш тадбирлари кўрилди. Нафис рангли безаклар ва изоҳли матнлардан иборат бу нашрлар тўрт тилда чиқарилиб, Шарқ мамлакатларига юборилади.

Мазкур буклетни «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими кўп нусхада босиб чиқаради.

Анбар АЛИЕВ.



Болалар боғи



⊙ НУРАЛИ

Новда каби бураліб
Кетмон урар Нурали.
Қувватига яраша
Дадасига қарашар.
Уста деҳқон дадаси,
Яшнаб ётар даласи.
Етиштирар сабзавот,
Қовун-тарвуз — қанд-новвот.
Помидору картошка
Ҳосили тўліб-тошган...
Новда каби бураліб
Кетмон урар Нурали.
Киччинамаи демайди,
Ризқин текин емайди.

⊙ ШЎХЛИКМИ ШУ?

Ирғишлайди
Мисоли эчки,
Ҳали ақли
Кирмаган, кечки.
Ишшаяди
Салом ўрнига,
Наҳот таълим
Бермаган ҳеч ким!
Ярашармиш
Болага шўхлик,
Одоб билан
Шўхлик ҳам кўҳлик.
Сақлай олса
Ким ўз ҳурматин,
Ботир бўлсин
Нуқсони йўқдек.

⊙ ШАМОЛ ВА ЖАМОЛ

Шамол чертар ойнани:
— Жамол, оппоқ тонг отди!
Уйғотаман деб сани
Ҳўроз томоғи қотди.
Эшитмаганга солди,
Бошини буркаб олди.
Бу қилиғи Жамолнинг
Шамолга оғир botди.
У увиллаб ўкирди,
Ойнани очиб кирди.
Кўрпасини учирди, —
Жамолвойни уйғотди.

⊙ ЧОЙ ҚАЙТАРИШ

— Вой, дадаси, типпа-тик
Уч-тўртта чой шамаси.
Бориб келинг бозорга,
Меҳмон келар чамаси.
— Нима! Меҳмон!
Ҳаммасин
Дарров қайтар чойнакка!
Яхши чиқсин чой ранги,
Мазза бўлсин мойдакка!

Султон ЖАББОР.

⊙ «ОНА БИЛАН БОЛА — ГУЛ БИЛАН ЛОЛА».

Р. Шарипов сурат лавҳаси.



Ўсимлик ва ҳайвонот олами

⊙ ЭНГ кичик вазнли қушча Катташапалоқ (ёки Митти қўшалоқ) ҳисобланади. Унинг оғирлиги 11 грамм бўлиб, уни фақат Бухоро вилоятида учратиш мумкин.

⊙ ЭНГ чиройли қуш деганда ҳамманинг кўз ўнгига Оққуш келиши табиий. Бу қушнинг Ватани асосан Польша, Дания мамлакатлари бўлиб, жумҳурият имизда баҳор ва куз ойларида қисқа вақт бўлади.

⊙ Ўзбекистонда ўсадиган Зарафшон, Туркистон арча дарахти дунёда ЭНГ хушбўй дарахтлардан ҳисобланади.

⊙ Ўлкамизда яшайдиган ҳайвонлар ичида ЭНГ чиройлиси жайрондир. Жайрон Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон томонларда яшайди.

⊙ Жумҳуриятимизда биринчи ҳайвонот боғи 1926 йили (Ғўраалаш) ҳозирги Зомин райо. нида ташкил этилган.

⊙ Ўзбекистоннинг ҳайвонот оламига бағишланган ва бу ҳақда ЭНГ кўп маълумотлар берилган «Қизил китоб». «Фан» нашриёти томонидан 1983 йили чоп этилган. Бу китоб ҳозирча ягона ҳисобланади.

⊙ Ўзбекистонда ЭНГ кам учрайдиган ноёб ҳайвонлар сиртлон ва дўлта фақатгина Сурхондарё вилоятида саноқли қолган.

⊙ ЭНГ ноёб ва жуда кам учрайдиган қушча Осиё лойхўрагидир. Уни Чиноз тарафларда учратиш мумкин.

⊙ Ўзбекистон дарё ва кўл. ларида асосан 5 турдаги балиқ яшайди. Шулар ичида ЭНГ каттаси — баҳри (бакра) зотлисидир. Бу балиқнинг оғирлиги 20 килограммгача боради, 25-30 йил ҳаёт кечиради. У Орол денгизи ва Амударё ҳавзаларида мавжуд. Тезда эҳтиёт чоралари кўрил. маса, экология оқибати туфайли йўқолиб кетиш хавфи туғилган. У шу жиҳатдан ҳам «биринчи» ўринга чиқиб олган.

⊙ ЭНГ кичик балиқ нуранбурун, тошбакра зотлари бўлиб, узоғи билан 12 сантиметргача ўсади. Бу балиқлар фақат Амударёда бўлади.

⊙ ЭНГ кам учрайдиган қил. қуйруқ, катта бурун балиқлари ҳам Амударёдадир. Улар ҳам балиқчиликда ЭНГ ноёбларидан ҳисобланади.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, тайёрлаган.

Қанотланган қўшиқлар

«МУҲАББАТИМ — ТОШКЕНТ!»



ИСТЕЪДОДЛИ кишиларнинг айримлари ҳақида одатда, «Санъат қонида бор ўзи», дейдилар. Ҳа, халқ бир гапни билмасдан айтмайди. Шу сўзларни эшитганимда ака-ука санъаткорлар кўз олдимдан ўтади. Уларни Ўзбекистонда ҳамма танийди, қўшиқларини севиб тинглайди. Ака-ука қўшиқчилар дейишимиз биланоқ ҳурматли оқшомхонлар гап кимлар ҳақида кетаётганини англаганликлари, шубҳасиз. Улар Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артистлар, жумҳурият Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлардир. Зеро, бу икки санъаткор ўзларининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, изланувчанликлари билан обрў-эътибор топганлар.

Исмоилжон 1949 йили, Исроилжон 1951 йили хизматчи оиласида дунёга келишди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ санъатнинг сеҳрли оламига қадам қўйишди. «Бола бошидан» деганларидек, жумҳурият ёшлар фестивалида қатнашиб, биринчи даражали диплом билан тақдирландилар. Бу камолот пиллапоясига қўйилган илк қадам эди.

Мактабни тамомлагач, Тошкент Давлат консерваториясининг вокал-ашула бўлимига ўқишга кириб, уни 1973 йилда муваффақиятли тугатдилар. Кейин Совет Армияси сафида йигитлик бурчларини ўтадилар. Шу давр мобайнида уларнинг ижодий камолоти бир поғона кўтарилди. Ака-ука ҳарбий қисмларда, пахтакорлар ҳузурида, радио ва телевидениедаги қўшиқлари билан элга танилиб бордилар.

Исроилжон ва Исмоилжоннинг 1975 йили, Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблига ишга ўтиши ҳаётларидаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. ижодий парвозларига қанот бағишлади.

Яна шуниси диққатга сазоворки, улар ижро этадиган қўшиқлар ранг-баранг. Барчасини киши завқ билан, ички ҳаяжон билан тинглайди. Айниқса, Ё. Исҳоқов шеъри билан айтилувчи «Бу — менинг Ўзбекистоним», шунингдек, «Онахонлар» (В. Саъдулла), «Билмадинг сен қадримни» (С. Рустам), «Ширин забоним» (А. Орипов), «Тинчлик» (А. Ғаффорий), «Сени ўйлайман» (А. Пўлат), «Гулзорим гўзал» (Ҳабибий), «Ҳамон билмайсиз» (Э. Охунова) қўшиқларини яна бир бор тинглашни истамаган мухлис борми?

Уларнинг тинимсиз изланишлари, ўз самарасини берди. Ака-ука 1980 йили Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлдилар.

Ваҳобовлар, шунингдек русча, тожикча, афғонча, эронча, арабча қўшиқларни ҳам куйлайдилар. Ўзбек классик қўшиқларидан «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Бозургоний», «Қаландар», «Чўли ироқ», «Феруз», «Ироқ»лар ака-укага шуҳрат келтирди. Санъаткорларга 1986 йилда Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилди.

Ҳамюртларимиз санъатини ҳатто Францияда ҳам олқишлашди. Улар «Юманите» рўзномасининг байрами муносабати билан ўзбек халқи санъатини Ғарбда намойиш этдилар. Бундай олқиш Москвада ўтказилган XII Жаҳон Ёшлар фестивалида ҳам рўй берди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, улар гарчи Андижонда таваллуд топган бўлишса-да, Тошкентда камол топиб, элга танилишди. Шунинг учун ҳам бу ерни она-шаҳрим дейдилар. Улар ижросидаги Н. Нарзуллаев сўзи билан айтиладиган «Мафтунингман Тошкентим» номли қўшиқни ким эшитмаган? Зеро, бу қўшиқни алоҳида меҳр билан, севиб ижро этадилар. Бу қўшиқ орқали ўз миннатдорчилик ва фарзандлик туйғуларини изҳор этадилар:

Ифтихорим, ғурурим — Тошкент!
Номус-орим, кўз нурим — Тошкент!
Ватанимнинг асл дилбанди,
Саодатим содиқ фарзанди.
Муҳаббатим — Тошкент!
Сурурим — Тошкент!

Мен уларни тез-тез ишдан, ижоддан сўнг уйга қайтаётганларида учратаман. Акукани ҳар гал кўрганимда анчадан буён қалбимда туғён ураётган санъат ва ҳаёт ҳақидаги саволларимни ўйлайман, аммо негадир сўрашдан ийманаман. Саволларга вақти келиб жавоб оларман. Энг муҳими, қалбимда ўнлаб саволлар туғдирган, мен суҳбатлашишга иштиёқ бўлган, кўпнинг назарига тушган санъаткорлар билан ёнмаёнман.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

Ибратли ҳикоятлар

ҚАЙТАР ДУНЁ

ВОҲИД маст ҳолда уйига келиб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ отасини ҳақоратлай бошлади.

Боғ ишлари билан куймаланиб юрган қўшниси Қобил ака Воҳидга танбеҳ берди:

— Ҳой, ноинсоф, отанг-ку, ахир. Сўкишга қандай тилинг борди?!

— Айб ўзимда, Қобилжон, — деди шунда отаси. — Мен ҳам ёшлигимда отамга қўл кўтарган эдим. Мана оқибати... Қайтар дунё деганлари шу бўлса керак.

АФСУС

ХОТИНИНИНГ гапига кириб Фармон онасидан аразлади. Уни кўриб кўрмасликка оладиган бўлди.

Бир куни она ҳовлида ип йигириб ўтирса, Фармон ўғилчасини қўлида кўтариб эркаларди.

— Фармонжон, мен ҳам сени худди шундай кўтариб, еру кўкка ишонмай катта қилувдим болам, — деди онаси.

Ўғил ундан бошини кўтаролмай қолди.

Нуриддин ЯҲЁЕВ.
Самарқанд область, Иштиҳон райони.



Табиат мўъжизалари

РАҚҚОСА «САБЗИХОН»

ЁШИМ етмиш бешдан ошган бўлса ҳам, табиатнинг кўз илғамас мўъжизаларини кузатишни яхши кўраман. Қарангки, айни Наврўз ойи туғилган кунимни нишонлаш учун палов тайёрламоқчи бўлиб дўкондан бир кило сабзи олдим. Уйда сабзини тўғраб ўтириб, орасида ўйнаб турган «раққоса сабзи»га кўзим тушиб қолди. Ажабо, бу ҳол менга жуда завқ бағишлади. Сабзига фақат қош-кўз қўйиб, ҳавас билан тўрт мисра шеър ҳам ёзиб юборибман:

Наврўз келиб жону жаҳон яйрадн,
Гулга қўниб шўх булбуллар сайрадн.
Сахий қуёш нурни сочиб чарақлаб,
Меҳри жўшиб «Сабзихон» ҳам ўйнадн.

Завқим жўшиб кетгандан, раққоса «Сабзихон» азиз оқшомхонларга ҳам табассум ҳадя этсин, деган умидда, уни севимли-рўзномамизга юбордим.

София ХАБИБУЛЛИНА, пенсионер.

Яшил дорихона

ҚАРИҚИЗНИНГ ХИСЛАТИ

⊙Сарлавҳани ўқиб, табиатда шундай ўсимлик ҳам бор эканми, деб ажабланманг. Ҳа, бор. Бу ўсимлик Тошкент ва Фарғона водийларида кўпроқ учрайди. Қариқиз бир йиллик, бўйи 50—150 сантиметргача етадиган ўт-ўсимлик. Пояси қирралн, тукли, юқори қисми шохланган. Гуллари саватчага тўпланган. Меваси — учмали пista. Баҳордан кўнара бошлаб, ёз ойларида гуллайди, сентябрда меваси пишиб етилади.

ҚАРИҚИЗНИНГ илдизи, барги ва гули табобатда ишлатилади. Гиёҳ таркибида ҳар хил фойдали моддалар борлигини табиатшунос олимлар аниқлашган. Халқ табобатида гиёҳ меъда яраси, сурункали гастрит, буйрак-тош хасталиги. да, бод касалларда яхши малҳам бўла олади. Шу билан бирга, пешоб ҳайдовчи, терлатувчи хусусиятга эга.

Қариқиз ўсимлигининг бир тури — катта қариқиз ҳам учрайди. Бу ўсимлик икки йиллик бўлиб, мураккаб гуллилар оиласига мансуб. Барглари жуда йирик, узунлиги ярим метргача боради. XIX асргача Европадаги мамлакатлар қариқизни мутлақо билишмаган. Рус ҳарбийлари Францияга (Наполеон урушида) гиёҳни олиб боришгандан сўнг маълум бўлган.

Қариқиз дориворлари ҳарорат туширувчи, ел ҳайдовчи, тана шишганда, шамоллаш хасталикларида даво бўлади. Халқ табобатида қувватбахш сифатида, иштаҳани очувчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси, подагра хасталикларида қўлланилади. Турли тери касалликларида (гуш, ҳурсибузар, учуқ, чипқон), қанди диабетда фойда қилади. Гиёҳ барги ўт (сафро)ни ҳайдайди. Баргидан тайёрланган дамлама тери куйганда, яраларни тузатади. Бодом ёки зайтун мойи билан қариқиз илдизидан тайёрланган мой соч ўстириш учун суртилади. Бу «Репейно мойи» номи билан упа-эдик магазинларида аҳён-аҳёнда сотилади. Барги ва илдизини майдалаб, сариёгга қўшилгани ҳам сочни мустаҳкамлайди. Соч тўкилишининг олдини олиш учун қуйидаги қайнатма яхши наф беради: 20 грамм қариқиз илдизи, 10 грамм тирноқгул гулларини бир литр сувга солинади. 15 минут мобайнида қайнатилади, сўнг докада сузилади. Уй ҳароратида совутилади. Илиқ ҳолида қайнатмани 3 кунда бир марта бош терисига суртилади.

Баҳор ойларида қариқизнинг ёш барглари таомларга солинади. Ошқўк сифатида бемалол фойдаланса бўлади. Ундан билиб фойдаланилса қариқиз ўсинининг кўпдан-кўп хислат-хосиятларини намоён қилаверади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, фарғоналик доришунос.

РАҲМАТНОМА

(⊙ВОҚЕА ГАЗ ҚУВУРИ ЧЕТЛАБ ЎТГАН БИР МАҲАЛЛАДА БЎЛИБ ЎТАДИ)

Полвон диванда юзига газета ёпиб дам олаётир. Хотини Тошхон киради.

ТОШХОН. Дадаси, овқат қилмоқчи эдим, ўтин ёриб беринг.

ПОЛВОН. Мен уйда йўқман!

(Тошхон индамай чиқиб кетади. Полвон газетани юзига тортиб ухлаб қолади, кейин ўзининг хуррагидан чўчиб уйғониб кетади).

ПОЛВОН. (деразадан ҳовлига қараб) Тавба, бир зумда кеч бўлиб қолибди-я. Қорин ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетибди. (Эшикни очиб хотинини чақиради). Официантка Норинбоева!

ТОШХОН. Лаббай, ўртоқ Хурракбоев?

ПОЛВОН. Овқат!

ТОШХОН. Овқат йўқ.

ПОЛВОН. Нега?

ТОШХОН. Овқат қилмадим.

ПОЛВОН. Сабаб?

ТОШХОН. Боя ўтин ёриб беринг десам, «Мен уйда йўқман», дединг-ку? Йўқ одам ҳам овқат ейдими?

ПОЛВОН. Баракалла, гап билан тўйдирдингиз. Энди раҳматнома ёзсак ҳам бўлаверади.

Алишер ИСОМИДДИНОВ.

Телепрограммалар

23 апрелдан—29 апрелгача

Душанба, 23

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Замин дарди», «Ўзимиз истеъмол қиладиган сув хусусида». Телефильмлар.
18.20 «Академик Иванов», «Нима бўпти» исмли каркидон ҳақида». Мультфильмлар.
18.35 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси халқ чолғу оркестри ижросида Ўзбекистон композиторларининг асарлари.
19.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ой бориб, омон қайт».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ёдгорлик» туркумидан. Ҳамид Сулаймон.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Оҳанг» студияси тавсия этади (эстрада концерти).
21.30 «Долзарб мавзу». Экология муаммолари.
22.00 «Ахборот».
22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Тўтиқушли хоним». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Тоғ наволари». Телефильм.
18.35 «Қайтишни хаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм («Молдова-филм»).
19.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Йўлингиз бехатар бўлсин». ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Шу куннинг мавзуси». Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини жумҳуриятдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш ҳақида.
22.15 «Хит-парад-90» ёки «Шанс» шоу программаси.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Футбол шарҳи.
8.30 «Мен келдим». Телевизион бадиий фильм (Грузия телефильмлар студияси).
9.35 Ашхобод болалар филармониясининг скрипкачилар ансамбли ижро этади.
10.05 «Қувноқ жўжа». Мультфильм.
10.15 Халқаро конкурслар лауреати Д. Хворостовский куйлайди.
11.00 «Ҳайвонот оламида».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 «Сўнгги бекат». Рус муҳожири А. Ширинская-Манштейн тақдири ҳақида.

* * *

14.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Мамонтов майса-ўтлари» (Владивосток), «Яйлов йилқилари» (Ростов-Дон).
15.25 «Мусиқий хазина». Л. Бетховен. Скрипка ва оркестр учун ре мажор концерти. СССР Давлат телерадиосининг Катта симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — А. Кац.
16.15 Болалар соати (француз тили дарси билан).
17.15 «Пульс-90». «Биз ва экономика».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Қизча ва олтин ёлли». Мультфильм.
18.45 Футбол шарҳи.
19.15 «Икки ғўр одам». Бадиий фильм (Хитой).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Адабий-бадиий программа.
23.05 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Мусоргский. Янги соҳиллар сари олға». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Тарих. 9-синф. «Биз жангни ўзимизга қаратдик» (А. И. Герцен).
9.05 Итальян тили.
10.05 «Ер нимага таяниб турибди?». Илмий-оммабоп фильм.
10.35,11.35 Адабиёт. 11-синф. А. Т. Твардовский. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
11.05 «Бола билан мулоқот мактаби». 5-кўрсатув.

*

12.05 «Торларда, пардаларда ва...».
12.40 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Ғоя қанча туради?», «Ач Гяла — бўйдоқ деган» (Новосибирск).
13.30 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ғалати никоҳ». 1-серия (Венгрия).

* * *

17.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Дўстлигимиз мустаҳкамланаверсин». Куйбишев шаҳридан кўрсатилади.
17.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Халқ куйлари.
18.45 Мультфильм.
19.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Маршал Жуков. Шафқатсизлик йиллари» кўрсатувига келган хатлар (Свердловск).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Отга миниб борамиз».
19.40 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Канада — Чехословакия терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади.
21.00 Баскетбол. Эркаклар. Барча «юлдузлар» мусобақаси.
22.45 Телевизион мусиқий абонемент. «Импровизация оламида». 3-кўрсатув.

Сешанба, 24

● ЎзТВ I

11.30 Адабиёт. Комил Яшин — атоқли драматург.
12.00 «Таушен». Телефильм.
12.30 «Малласоч малика». Бадиий фильм («Ленфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Кечки мактабдаги қўнғироқ». Телефильм.
18.10 «Катта саёҳат», «Бировнинг молига кўз олайтирсанг ўзингникидан ҳам айриласан». Кўғирчоқ фильмлар.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар маскани».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ёшларнинг Халқаро бирдамлик кунига. «Жаҳон ёшлари бирлашса...».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Водий тароналари».
21.50 «Оддий иш куни». Манзарали фильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ижод саҳифалари». Туроб Тўла.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига. «Сўнмас у кунлар шуҳрати» (рус тилида).
18.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Қишлоқда аҳволлар қандай?».
19.30 «Ўзбекистон киноҳаваскорлари — студиямиз меҳмони» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Борбаднинг 1400 йиллигига бағишланган Халқаро анжуман ҳамда Шарқ халқлари мусиқаси фестивалининг тантанали очилиши.
22.00 «Ахбор».
22.20 Борбаднинг 1400 йиллигига бағишланган Халқаро анжуман ҳамда Шарқ халқлари мусиқаси фестивалининг тантанали очилиши (давоми).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Дўстлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ереван). Инсоннинг жониворлар олдидаги масъулияти ҳақида.
8.15 «Мусиқанинг ажиб лаҳзалари ҳам». Концерт.
8.40 «Икки ғўр одам». Бадиий фильм.
9.55 «Шура холани эҳтиёт қилинг». Телевизион ҳужжатли фильм (Волгоград).
10.25 «Бу бўлган... бўлганди...».
10.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 Адабий-бадиий программа.

* * *

15.15 «Бжамий» халқ куйлари ансамбли ижро этади. Нальчикдан кўрсатилади.
15.50 «Оқибат ва сабаблари». Телевизион ҳужжатли фильм (Новосибирск).
16.40 «Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади».
17.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Сиз бунга қодирсиз».
19.15 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Зорин олиб боради.
20.15 В. Третьяков раҳбарлигидаги СССР Давлат камер оркестри чалади.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 Катталар учун мультфильмлар премьераси: «Бу бўлиши мумкин эмас» («Экран»), «Калава» («Ўзбекфильм»).
21.25 «Севги ва баҳор». Концерт.
21.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Китобий умр. И. Д. Ситин». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 География. 8-синф. Табиатда пайдо бўладиган кўринишлар.
9.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 7-синф. Уйғониш даври санъати.
11.05 Рус тили.

*

12.05 «Халқим соф номимни қайтиб беради...». Гражданлар урушининг қаҳрамони, комкор Б. М. Думенко ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Ростов-Дон).
12.45 «Чашмалар».
13.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ғалати никоҳ». 2-серия.
14.25 Ритмик гимнастика.

* * *

17.15 «Жонгинам». Мультфильм.
17.20 Юзма-юз. «НЛО: эълон қилинмаган ташриф». 3-кўрсатув.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мечта» кемасида».
20.45 «Оқ йилқи». Телевизион ҳужжатли фильм (Фрунзе шаҳри).
21.05 «Веснянка» рус қўшиқлари хори ижро этади.
21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция — Канада терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан олиб кўрсатилади.

Чоршанба, 25

● ЎзТВ I

11.30 «Тарихий обидаларимиз — бебаҳо бойлигимиз». Кинокўрсатув.
12.30 «Қайтишни хаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Дубрава», «Тўхта, қулоқ тут». Телефильмлар.
18.25 «Яхшидан ном қолади». Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, ўқитувчи Абдуваҳоб Маматқулов ҳақида.
18.45 «Маданият боғи». Катталар учун мультфильм.
18.50 «Осиё овози». Халқаро телевизион конкурси.
19.10 Долзарб мавзу.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Адабиёт элчилари». Таржима муаммолари.
20.20 «Ички ишлар вазирлиги хабар беради».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Санъатим — саодатим». Мусиқий кўрсатув.
21.40 «Одоб нома».
22.00 «Ахборот».
22.20 Саргузашт фильмлар экрани. «Бир тўқнашув ҳақида икки хил тахмин». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 КПСС Устави лойиҳасини муҳокама қиламиз.
18.45 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).

Тижорат кўрсатуви

20.00 «Халқ истеъмоли моллари». Чирчиқ пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳақида (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Меҳри суруд». Пирумшо Саидов тароналари.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Она ва болакай».
22.35 «Бишнав аз най...» Борбаднинг 1400 йиллигига.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Дунё болалари нималар ҳақида куйлашади».
8.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Чехословакия — СССР терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади.
10.50 «Оппоқ атиргуллар». Ҳужжатли фильм.
11.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. Б. Феоктистов чалади (СССР).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 Давлат «Виртуози Москви» камер оркестрининг концерти. Дирижёр — СССР халқ артисти В. Спиваков.

* * *

15.15 Свердловск ёшлар рус халқ чолғу оркестри ижро этади. Свердловскдан кўрсатилади.
15.40 «Компьютер билан мулоқот».
16.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.30 «Ҳокимият — Советларга». Грузиядаги сиёсий вазият. Кўрсатувда Грузия Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Гургенидзе иштирок этади.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Чехословакия — СССР терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 «Кинопанорама». Кўрсатувни В. Мережко олиб боради.
22.45 «Хайнань ороли тажрибаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Хитойдаги энг жанубий оролнинг тарихи ва бугуни ҳақида («Союзтелефильм»).
23.20 Кичик концерт.
23.35 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ирландия — СССР терма командалари. Ирландиядан кўрсатилади.
01.25 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Монрепо». Ҳужжатли фильм.
8.35, 9.35 Физика. 9-синф. Техника ижодиёти тўғарагида ясалган.
9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Мусиқа. 5-синф. И. Ф. Стравинский. «Петрушка».
11.05 «Кўк қушни излаб». Илмий-оммабоп фильм.

*

12.05 «Алоқа узели». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Минск).
12.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Рюмина куйлайди.
13.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ғалати никоҳ». 3 ва 4-сериялар.

* * *

17.00 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Мерос» (Тюмень).
17.30 Мультфильмлар: «Мушукнинг уйи», «Элакдаги мўъжиза».
17.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Одам яшайдиган орол».
20.45 Сергей Березин қўшиқлари.
21.00 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Уйланиш». Бадиий фильм («Ленфильм»).

Пайшанба, 26

● ЎзТВ I

11.30 «Городецк ҳунармандлари», «Мен севган шаҳар». Телефильмлар.
12.30 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Билмасвой саргузашти» туркумидан. «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». 2—3-фильмлар.
18.05 «Табиат ва биз». Кинокўрсатув.
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нуқтаи назар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Алифбо сабоқлари».
20.25 Реклама.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Бевосита мулоқот». Жиноятчиликка қарши кураш муаммолари ҳақида.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Назм ва наво». Бобурнинг дилрабо ғазаллари.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм (Рига киностудияси).
19.20 Реклама.
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни ҳаракат пайти» (рус тилида).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Низомий». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Ирландия — СССР терма командалари. Ирландиядан кўрсатилади.
9.45 «Салом, Тулки хола». Мультфильм.
9.55 «Саёҳатчилар клуби».
10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 СССР халқ артисти В. Васильев ижодига бағишланган телевизион фильм премьераси.

* * *

15.15 «Рус рақси». Ҳаваскорлик рақс ансамбларининг концерти.
16.05 Илмий хабарнома.
16.50 К. Хайрутдиновнинг татар халқ қўшиқлари. Қозондан кўрсатилади.
17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.35 «Нодипломатик суҳбатлар». Кўрсатувда Буюк Британия ташқи ишлар вазири Д. Хэлдом иштирок этади.
19.00 1990 йил қўшиқлари.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Чехословакия—Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан олиб кўрсатилади.
23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

02.00 ЭФИРДА 24 СОАТ ДАВОМ ЭТАДИГАН **«ЧЕРНОБИЛЬ»** КЎРСАТУВИ

Жума, 27

● ЎзТВ I

11.30 «Серқуёш ўлкада». Телефильм.
12.05 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Авлодлар учун асрайлик». Телефильм («Ўзкинохроника»).
18.05 «Санъат оламида». Мўйқалам соҳиблари.
18.50 ЎзССР халқ депутатлари билан мулоқот.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Фан — ишлаб чиқаришга». Қишлоқ хўжалиги учун мутахассислар етиштирайлик.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўзбек куйларидан концерт.
21.40 Катталар учун мультфильмлар: «Бу ерда йўлбарслар бўлиши мумкин», «Ўтмиш воқеаси».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Хотира». Чўлпон.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Усмирлар учун. «Тенгдошлар» (рус тилида).
18.50 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
19.05 «Оққўнгил кишилар». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумидан. «Чичерин». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР—Канада терма командалари. Швейцариядан кўрсатилади.
9.45 «Кинопанорама».
11.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.00 1990 йил қўшиқлари.

* * *

15.15 «Свердловск опера театри таклиф этади...». Свердловскдан кўрсатилади.
16.05 Социализм муаммолари: воқелик ва истиқболлар.
16.50 «Бегемот ва қуёш». Мультфильм.
17.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Саркардалар». Ҳужжатли фильм.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР—Канада терма командалари.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Концерт.
21.25 «Нигоҳ». Кўрсатув тугагач — «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Бир куни...». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф. Ҳар доим бўлсин қуёш!
8.55, 9.55 «Гросснинг сеҳрли бўёғи». Илмий-оммабоп фильм.
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Тарих. 8-синф. М. В. Ломоносов.
11.05 «Цимбаль оҳанглари». Илмий-оммабоп фильм.

*

12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ота уйи». 1-серия («Укртелефильм»).
13.15 «Бошпана». Истеъдодли ихтирочи Н. Ф. Жалибин ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Олмаота).
14.15 Ритмик гимнастика.
14.45 А. Дворжак. 8-соль мажор симфонияси. ГДР телевидениеси Берлин симфоник оркестрининг концерти.

* * *

16.30 Қўшиқ инсон билан қолади. «Номсиз тепаликда».
17.25 Ритмик гимнастика.
17.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шалпанг қулоқ». Мультфильм. 1-қисм.

Шанба, 28

● ЎзТВ I

11.30 «Шаҳризоднинг янги эртаклари». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
12.50 Спорт кўрсатувлари. 1. «Ҳовлимиздаги стадион». 2. «Футбол чорраҳаларида».
13.50 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамада.
14.20 «Бу телба дунё». Наманган вилояти мусиқа драма театрининг спектакли.

* * *

17.35 Кўрсатувлар тартиби.
17.40 Янгиликлар.
17.45 «Топилмалар бюроси». Мультфильмлар программаси.
18.30 «Амалий давра суҳбати».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Экран табассуми».
20.30 Москва. «Время».
21.20 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси. Олмаотадан олиб кўрсатилади.
22.20 «Ахборот».
22.40 «Мусиқа жавони».
23.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 1-серия (М. Горький номли киностудия).
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

10.00 «Ахбор».
10.25 «Саломатлик». Тележурнал.
11.15 «Салом, баҳор!». Фильм-концерт.
11.40 «Ижод саҳифалари». Экология муаммолари.
12.20 «Гаюровларнинг оилавий иши». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус тилида).

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Болаларга мусиқа ҳақида.
18.10 «Мутахассис минбари». Чорвачиликда озуқа тайёрлаш ва сақлашнинг илғор технологияси.
18.40 «Базми Наврўзи».
19.30 «Новости».
19.50 Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан. «Уч авлод учрашуви».
20.30 Москва. «Время».
21.20 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси.
22.20 «Ахбор».
22.40 «Фарҳанг ва ҳунар». Жумҳурият маданий ҳаёти янгиликлари ҳақида.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Камалак». Озарбайжонда Наврўз байрами ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Боку).
8.35 Болалар учун фильм. «Эртага чиқасанми?» («Ўзбекфильм»).
9.40 «Қадимий садолар». Концерт.
10.30 «Умринг боқий бўлсин, Ер!».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 «Инсон қўшиқ ўйлаб топди». Шоир Л. Дербенев ижодий кечаси.
15.05 «Узоқ Шарқ». Киножурнал.
15.15 РСФСРнинг мусиқий фольклори.
16.00 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув.
17.15 Л. Бетховен. 14-(«Ойдин») сонатаси.
17.30 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Дўстлик меридианлари». Жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунига бағишланган концерт.
19.00 «Лайлакча Кич». Мультфильм.
19.10 Режиссёр Л. Луков фильмлари. «Икки жангчи» (Тошкент киностудияси, 1943 й.).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.20 Хоккей. Финал группалари командалари мусобақаси. 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан олиб кўрсатилади.
23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Рембрандт. Офортлар». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Тарих. 6-синф. Қадимий Греция афсоналари.
9.05 Итальян тили.
10.05 «Дастлаб...». Илмий-оммабоп фильм.
10.35, 11.35 Тарих. 9-синф. 70—80-йиллардаги ишчилар ҳаракати ва Россияда марксизмнинг тарқала бошлаши.
11.05 «Онам, дадам ва мен».

*

12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ота уйи». 2-серия.
13.15 «Қўшиққа бахшида умр». РСФСР халқ артисти А. Стрельченко.
13.55 «Тоғ ва денгиз ҳақида, кичкинтой болалар ҳақида». Шевченко шаҳридаги кўп болали Загоровскийлар оиласи ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Саратов).
14.20 «Навбат сизга, артист». Елена Ласко.

* * *

16.30 Бутуниттифоқ «Трускавец» курорти Маданият саройи «Трускавчанка» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
17.00 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. СССР—Голландия терма командалари.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Николай Буянов. Итальян капричоси». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шалпанг қулоқ». Мультфильм. 2-қисм.
20.45 Спорт ҳамма учун.
21.00 «Ҳамдўстлик» видеоканалининг давоми.
22.00 Информацион программа.
22.45 «Майдон». Спорт программаси.
23.45 «Бухарест паспорти». Бадиий фильм (Руминия).

Якшанба, 29

● ЎзТВ I

11.30 «Мўъжизакор гўзаллик сири», «Муҳандиснинг мугузи». Телефильмлар.
12.10 Спорт кўрсатувлари. 1. Чемпион М. Исмоилов билан учрашув. 2. У-шу. 3. «Шоҳруҳ» клуби.
13.30 «Дўстлик» кўрсатувлари. 1. «Замандаш». 2. Самарқанд шаҳар «Навбаҳор» эрон ансамблининг яккахони Сафи Сафтари куйлайди.
14.50 «Чорраҳа».

Тижорат кўрсатувлари

15.20 «Илғор тажриба мактаби». Жиззах вилояти Дўстлик ноҳиясидаги Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли совхоз боғбонларининг иш тажрибасидан.
15.50 «Юксалиш сари». Янгиқўрғон пахта заводи ҳақида.

* * *

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бахтли «Григорий», «Хотиралар». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун концерт.
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Доира оҳанглари». Ака-ука Исломовлар.
20.15 «Оқшом эртаклари».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Нальчик». Манзарали фильм.
21.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 2-серия.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

10.00 «Ахбор».
10.25 «Кенгашлар ишида янгилик». Раҳм-шафқат ҳақида.
10.55 «Тинчлик кўчасида». Фильм-концерт.
11.25 «Гаюровларнинг оилавий иши». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.40 Кўрсатувлар тартиби.
17.45 «Донишмандлик». Сиртдан ўқиётган талабалар учун умумий физикадан сабоқ.
18.20 «Раҳмат, фестиваль!». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
18.40 «Мусиқий ҳаёт панорамаси».
19.30 «Новости».
19.50 Кинолавҳа.
20.00 «Тожик тилини ўрганамиз».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Савти баҳор». Адабий-мусиқий композиция.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Санъат усталари». Композитор Хайрулло Абдуллоев.
00.05 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Спортлото» тиражи.
8.15 Ҳужжатли фильмлар: «Андреев байроғи остида» (СССР Мудофаа вазирлиги киностудияси), «Сув остида излаш» (Киев).
8.45 «Ивашканинг саргузашти». Мультфильм.
9.05 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари мусобақаси. Швейцариядан кўрсатилади.
11.05 И. Калер чалади (скрипка).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади.
12.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Худди шундай бўлади». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Свердловск киностудияси).
15.00 Мультфильмлар: «Капитанлар ороли». 1 ва 2-фильмлар.
15.30 СССР халқ артисти И. Архипова концерти.
16.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Л. А. Говоров». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Вокзалларда яшовчи қизлар ҳақида (Ленинград).
16.30 Рус қўшиқларини Т. Петрова куйлайди.
16.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари мусобақаси. Швейцариядан кўрсатилади.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Абадият ҳақида ўйлар.
21.15 П. И. Чайковский. 100 та романс.
21.30 «КВН-90». Днепропетровск Давлат дорилфунуни ва Киев Политехника институти командаларининг учрашуви.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.45 Мультфильмлар: «Даҳшатли воқеа», «Сеҳрли узуқ».
8.45 «Магия» билан учрашув». Телеочерк.
9.15 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Сочни қирқиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Вокзалларда яшовчи қизлар ҳақида (Киев).
9.45 «Бухарест паспорти». Бадиий фильм.
10.50 «Кутилмаган Вьетнам». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.40 «Етти довюрак». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм», 1936 й.).
13.10 «Россияга меҳр-муҳаббат билан». Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти.
14.05 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
14.10 «Танишинг: Теймураз Мурванидзе».
14.30 «Совет Россияси» видеоканали.
17.00 «Планета». Халқаро программа.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Дустар». Фильм-концерт премьераси (Уфа).
19.00 «Вертикаль». Композитор ва пианиночи Александр Скрябиннинг ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЦНФ»).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Хрюшанинг машқлари».
19.45 «Ёрдамга чақираман». «Меҳр-шафқат излаб» (Латвия телевиденнеси).
20.30 Хорижий рус маданияти. Рассом О. Целков устахонасида.
21.00 Футбол. СССР чемпионати.
22.50 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. СССР—Голландия терма командалари.

Тунги сеанс

23.25 «Олтин лангар»лик бармен». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03177.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.